

Глобаллашув даврида давлатлараро ўзаро ҳамкорлик, тараққиёт ва хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон давлатининг ўрни ва роли

Абдуллаева Ф.Ш. БухДУ

XXI аср глобаллашув асри деб аталмоқда. Дарҳақиқат, шиддат билан ривожланаётган ҳозирги даврда давлатнинг миллий ва халқаро- ҳуқуқий тизимини лозим даражада такомиллаштириш борасида изчил ва самарали сиёсатни амалга ошириш оғир вазифа бўлиб қолмоқда.

XX аср тугаб- XXI асрга қадам қўйилганда инсоният келажакка катта умид билан қараган эди. Чунки инсонлар давлатлар ичида бирин-кетин юз берган қуроли моjarолардан, ядро қуроли хавфининг бартараф этилмаганлигидан, юқумли касалликлар ва очликдан миллионлаб одамларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмишидан чарчаган эди. Афсуски, инсоният XXI асрга қадам қўйганига 10 йил бўлибдики ҳам, бундай муаммолар буткул тугатилгани йўқ. Бугун глобаллашув барча соҳаларни ўз ичига қамраб олганлиги барчамизга маълум. Бу ҳақда халқаро актларда ҳам таъкидланмоқда. Жумладан, Б М Т Бош Ассамблеясининг 2000 йилдаги 55\102 резолюциясида таъкидланганидек, “глобаллашув нафақат иқтисодий жараён бўлиб қолмай, у ижтимоий, сиёсий, экологик, маданий ва ҳуқуқий жиҳатларга ҳам эга.”¹ Глобаллашув цивилизация концепциясига ҳам ўзгартиришлар киритди. Бу билан бугунги кунда ҳар бир давлат ўзининг ҳам ички, ҳам халқаро фаолиятида бошқа давлатлар билан кўпроқ ҳисоблашишига тўғри келмоқда.

Бугунги кунда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш фақат давлатлар ҳамда халқларнинг ҳамкорлигидаги ҳаракати билан таъминланиши мумкин. Бугун ҳар бир мамлакатнинг тинчлиги ва хавфсизлиги халқаро тизимнинг аҳволига боғлиқ. Глобаллашув шунга олиб келдики, ҳозирда бирорта ҳам давлат халқаро тизим билан ўзаро алоқасиз кун кечира олмайди. Бундан ташқари ҳар бир давлатнинг тинчлиги унинг бошқа давлатлар билан қанчалик ўзаро алоқани самарали ташкил этганлигига ҳам боғлиқдир. Халқаро муносабатларда давлат бошқа давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни ўрнатар экан, ўз мустақиллигига кўра, ўз чегараларида тартиб-қондани таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топган давлат бўлиб, ўз ташқи сиёсатини давлатлараро тинчлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратмоқда. Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда нафақат мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, балки Марказий Осиё ҳудудида ҳам шунга эришиш зарурлигини жаҳон ҳамжамияти олдида ҳам таъкидлаб келмоқда. Жумладан, Афғонистонда мураккаб вазиятни ҳал этиш бўйича Ўзбекистон энг нуфузли халқаро минбарларидан муҳим амалий ташаббусларни доимий равишда баён қилиб – келмоқда.

1 И. Лукашук, А. Саидов. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари. ўқув қўлланма. Т. 2007, 369-б.

Айниқса, НАТО/ СЕАП ташкилотининг 2008 йил апрель ойида бўлиб ўтган Бухарест саммитида Ўзбекистон Президенти И. Каримов томонидан Афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслиги ҳақидаги фикр биринчи бўлиб ўртага қўйилган эди. Бундай моjarони ҳал этиш учун Президентимиз “6+2” мулоқот гуруҳини “6+3” гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклифни илгари сурди. Бу гуруҳга Афғонистон билан қўшни бўлган давлатлар, АҚШ ва Россия ҳамда НАТО ташкилотининг ваколатли вакиллари

кириши назарда тутилди.

Маълумки, Афғон можаросини ҳал қилиш учун 30 йил давомида миллиард-миллиард доллар маблағ сарфланди. Лекин аҳвол ижобий томонга ўзгариш ўрнига, аксинча, мамлакатдаги кескинлик ҳамон кучайганлигини кўриш мумкин. Бухарест саммитида Ўзбекистон илгари сурган ташаббус нақадар тўғри эканлигини яна бир бор кўрсатди.

Ўзбекистон афғон халқининг миллий урф одатлари ва маданиятини, диний қадриятларини ҳурмат қилиб келаётган давлат сифатида яқин қўшнисига ёрдам қўлини чўзиб келмоқда. Жумладан, 2010 йилда Ўзбекистон бу мамлакатга етказиб бераётган электр энергияси миқдори 6 баробарга оширилганлиги ОАБда эътироф этилди.

Давлатлараро ўзаро ҳамкорлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудуд мақомини олишида ҳам БМТ билан ҳамкорлик қилаётганлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий- иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш, ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш йўлида жаҳон ҳамжамиятини бирлаштиришга интилаётган БМТ бу ғояни қўллаб-қувватлади.

БМТ Ўзбекистон Республикасининг терроризм, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикка қарши биргаликда курашиш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги фаолиятини юксак баҳоламоқда.

2010 йилнинг 20-21 сентябрида БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг таклифига биноан Минг йиллик ривожланиш мақсадлари бўйича ўтказилган Саммитга давлатимиз раҳбари таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан сўзлаган нутқида давлатлараро ўзаро ҳамкорлик, тараққиёт ва хавфсизликни янада мустаҳкамлаш, бунга эришишга эса тўсиқ бўлаётган жиддий муаммоларни жаҳон ҳамжамияти билан бирга курашиш зарурлигини яна бир бор илгари сурди. Юқоридаги фикрлардан хулоса қладиган бўлсак, Ўзбекистон давлати томонидан таклиф этилаётган фикрлар унинг жаҳон ҳамжамияти олдидаги нуфузини янада оширмоқда.